

“O’zkommuno’quvtashkilotchi”

**Республика ўкув-услубий,
норматив-инжиниринг марказининг
Устави**

(яңги таҳрири)

Ташкент 2011

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Устав Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 август “Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ва коммунал хужалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПК-445-сонли карори, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябр “Устав фондида давлат улуши булган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада хисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари түгрисида”ги 215-сонли карори ва бошка меъсрий-хукукий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган булиб, “Узкоммункуватшкилотчи” Республика укув-услубий, норматив-инжинириング маркази (кейинги уринларда Марказ деб юритилади)нинг хукукий мавқейини, унинг тузилиш мақсади ва фаолиятини, Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги (кейинги уринларда Таъсисчи) нинг хуқук ва мажбуриятларини, Марказ ва Таъсисчи орасидаги мулкчилик муносабатларни белгилайди.

Марказнинг мазкур Уставини ишлаб чиқишида Узбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 январ “Давлат ва хужалик бошқарув органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПК-1260-сонли карори ва Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлигининг 2009 йил 27 октябр 60-сонли, 2010 йил 15 январ 2-сонли буйрукларининг талаб ва йурикномалари инобатга олинган.

Сув таъминоти ва канализация объектларини куриш буйинча инвестицион жараёнда фаол иштирок этиш Марказнинг асосий фаолиятидан бири хисобланиб, у бу хақда Таъсисчи - Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлигига мунтазам равишда хисобот бериб борали.

2. Марказ асосий мулкга эгалик қиласи, узининг мустакил балансига, банк ҳисоб ракамига, шунингдек валютада ҳам, рамзи, штампи ҳамда бланки, Узбекистон Республикаси Давлат герби туширилган ва Давлат тилида номи битилган муҳрга эга.

Марказ уз номидан конунчиликда белгиланган тартибда мулкий ва шахсий номулкий хукукларни узлаштириши ва амалга ошириши, судда дайвогар ва жавобгар булиши мумкин.

3. Марказ Таъсисчининг розилиги билан конунчиликка мос равишда юридик шахсларнинг иштироки рухсат этилган тижорат ва нотижорат ташкилотларига аъзо булиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Марказ бошка давлат корхоналарига Таъсисчи булиш хукукига ога эмас.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори билан ташкил этилган Марказ лицензия берувчи органлар холосасига мос равишдаги лицензион көлишув асосида лицензия олмасдан лицензияланадиган фаолият турини амалга оширади.

5. Марказнинг тулиқ расмий номи:

Ўзбек тилида – “Ўзбекистон” “Ўзкоммунхизмат” агентлиги
“Ўзкоммунуквташкилотчи” Республика укув-услубий, норматив-
инжиниринг маркази “O'zkommino'quvtashkilotchi”;

Рус тилида – «Республиканский учебно-методический, нормативно-
инженерный Центр “O'zkommino'quvtashkilotchi” Узбекского
агентства «Узкоммунхизмат»;

Инглиз тилида – “Uzbek Agency “Uzcommunxizmat”, Republikan
Trading Metodological Normative Engineering Center
“O'zkommino'quvtashkilotchi”.

6. Марказнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри 100035, Юнусобод
тумани, Ниёзбек йули кучаси 1 уй.

II. МАРКАЗ ТАЪСИС ЭТИЛИШИННИГ ҮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон
“Ўзкоммунхизмат” агентлиги қарорлари Марказни таъсис этилиши учун
асосдир.

8. Марказ чекланмаган фаолият муддати билан ташкил килинади.

9. Таъсисчи томонидан тасдикланган ва конунчиликда
белгиланган тартибда тегишли давлат органларида руйхатдан утган Устав
Марказнинг таъсис хужжати хисобланади.

10. Марказнинг мазкур Уставига Таъсисчининг қарорига асосан
узгартиришлар киритилади ва белгиланган тартибда давлат руйхатидан
утказилади.

III. ТАЪСИСЧИННИГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Таъсисчи конунчиликда белгиланган тартибда:

Марказнинг фаолият тури ва мақсадини белгилаш;

Марказ Уставига узгартиришлар ва қушимчалар киритиш;

мехнат конунчилигига белгиланган тартибда Марказ директори
билан шартномани муддатидан олдин тугатиш;

Марказни қайта тузиш ёки тугатиш турғисида қарор кабул килиш,
тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларни тасдиқлаш;

Марказдан фойдаланилмаётган ёки мақсаденз фойдаланилаётган
мулкни олиб қўйиш ва унга эгалик қилиш;

зарурат булганда Марказни хусусийлаштириш ёки давлат мулкидан
чикариш юзасидан Вазирлар Махкамасига таклиф киритиш;

Марказ директорига Марказга етказилган зарарни коплаш буйича
даъво тақдим этиш;

мазкур Уставига мос равищда Марказ тасарруфига берилган мулкдан
фойдаланиб топилган даромаднинг бир килемини ёки ҳаммасини олиш;

Марказнинг устав фондини купайтириш ва камайтириш тартиблари, заарларни қоплаш, йиллик хисоботларни тузиш, текнириш ва тасдиқлаш тартибини белгилаш ҳукукига эга.

12. Таъсисчининг мажбуриятлари:

Марказ директорини тайинлаш ва у билан меҳнат конунчилигига асосан меҳнат шартномасини тузиш;

хар йили Марказ бизнес режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда унинг бажарилиши ҳакиқида директор хисоботини тинглаш;

мазкур Уставнинг 18 бандига асосан Марказ мулкни тасарруф килишига рухсат бериш түгрисидаги қарорини Давлат мулк кумитаси ёки унинг худудий бошқармаси билан келишиш;

Марказ тасарруфига берилган давлат мулкидан максадли фойдаланиши ва сакланиши устидан назоратни олиб бориши.

IV. МАРКАЗНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

13. Марказнинг асосий вазифалари кўйидагилар:

мулчилик шаклидан катъий назар, Узбекистон Республикаси коммунал ва бошка ҳужалик тармоқлари корхона ва ташкилотларининг кадрлар тайёрлаш, норматив – ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, мустақил экспертизалар утказиш ҳамда фан-техника соҳасидаги янги ютукларин жорий қилиш масалалари борасидаги таалабларини қондириш, уй – жойлар, бино ва иншоотларни капитал қуриш ва жорий таъмираш, ҳусусий уй – жой мулкдорлари ширкатларига ҳамда уй – жойларни бошқарувчи компанияларга хизмат курсатиш;

турур жой фондидан фойдаланиш ва саклаш, коммунал ахамиятдаги сув таъминоти ва канализация обьектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича норматив – ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқариш;

коммунал хизмат курсатиш соҳасида Узбекистон Республикаси Конунлари, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишлари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари ва фармойишлари, шунингдек бошка норматив – ҳукукий ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан мониторингини олиб бориши;

коммунал хизмат курсатиш тармогининг барча турдаги фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотларини утказиш ва ҳармок корхоналарига курсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича консалтинг хизматларини курсатиш;

уй – жой коммунал ҳужалиги тизими корхона ва ташкилотларининг таалабини қондириш максадида республика уй – жой коммунал ҳужалигида ЭНГ янги фан техника ва технологик ютукларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чукурлантириш шароитида коммунал хизмат курсатиш соҳасидаги ишчиларнинг малакаларини ошириш ва кадрларни тайёрлаш тизимини таомиллаштириш;

давлат интерактив хизматларини курсатиш масадида ахборот ресурсларини ташкил этиш (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 23 август 118-сонли карори ижроси юзасидан);

газеталар, журналлар, ахборот бюллетенлари, хукукий хужжат тупламлари ва хоказоларни нашр этиш фаолиятида иштирок этиш хисобланади.

14. Марказ узига юқлатилган вазифаларини бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

туар жой – коммунал тармоқни иқтисодий ислоҳ килиш масаларини регламент қилувчи конунчилик ва норматив – хукукий хужжат лойихаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлагига киритади;

туар жой – коммунал соҳа тизимидағи инжиниринг тармоқлари ва бошқа корхоналарга коммунал хизмат курсатиш соҳасида ракобат мухитини яратишга кумаклашади;

коммунал хизмат курсатиш соҳасидаги конунчилик ва техник талабларнинг маҳаллий давлат бошқарув органлари, хужалик юритувчи субъектлари ва фуқаролар томонидан бажарилини юзасидан мониторинг олиб боришида иштирок этади;

минтакалараро сув қувурларини ривожлантириши тенденсиясини умумлаштириш ва урганишда, бу соҳада ягона техник сиёсатни шакллантириш ва олиб боришида иштирок этади;

илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбик этиш, сув таъминоти ва канализация обьектларини куриш, коммунал соҳа учун машина ва механизмлар, ускуналар, жиҳозларни ишлаб чиқаришини ташкиллаштиришда иштирок этади;

коммунал соҳада қулланиладиган зарур жиҳозлар, ускуналар ва маҳсулотларнинг чизмаларини тайёрлайди;

тармоқ эҳтиёжлари учун телемеханика ва автоматика тизимлари, тажриба намуналарини ишлаб чиқиши хамда тайёрланц, ускуна, асбоб ва буюмларни майда туркумлаб ишлаб чиқариши, туар жой коммунал хизмат курсатиш соҳасига оид дастур маҳсулотини таркатади;

коммунал хужалик масалалари ва машиналар, приборлар, жиҳозлар ишлаб чиқариш буйинча чет эл мамлакатлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш ва маҳаллий корхоналарга чет эл корхоналари ва ҳалқаро ташкилотлар билан туғридан-туғри алоқа килишга кумаклашишда иштирок этади;

тармоқ корхоналарига атроф мухитни муҳофаза килиши чора тадбирларини амалга оширишда, шу жумладан маҳсус фойдаланиш, чекли жорий концентрация (ЧЖК) ва чекли жорий чиқариб ташлаш (ЧЖЧТ) учун рухсатномалар ишлаб чиқишида кумаклашади;

турар жой – коммунал хизматлар истемол нормалари ва тариф сиёсатини ишлаб чикиш ва такомиллаштириш буйича услубий ишларни амалга оширишда қатнашади;

тармок корхона ва ташкилотларининг илғор тажрибаларини ва маълумотнома – ахборот хизматини кенг ёйишда фаол иштирок этади;

коммунал хизмат курсатиш соҳаси ва минтақалараро сув қувурлари обьектлари буйича илмий-тадқиқот ва лойиҳа-изланиши ишларини амалга ошириш стратегияси ва бажарилишини таъминлашни шакллантиришида иштирок этади;

турар жой – коммунал хизмат курсатиш соҳаси учун кадрлар малакасини ошириш, мутахассисларни тайёрлаш ва кайта тайёрланини ташкиллаштиради;

коммунал хужалик обьектларидаги мавжуд аҳволни таҳлил қилиш, улар ишининг унумдорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чикиш ҳамда тадбик этиш, иктиносий таҳлил қилиш ҳамда барқарор ва фойда куриб ишлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

укитиши жараёнини таълимнинг илғор шаклларида ташкил қилиш, бошлиғич малака савиғасидаги ишчилар тайёрлаш, ичи, хизматчи ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни зарур ҳолда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уқитади;

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги ваколати доирасида ташки иктиносий фаолиятни амалга оширади, шу жумладан чет эл сармоялари иштирок этган инвестицион лойиҳаларни узлаштиришида иштирок этади (ХМИ, донор-мамлакатлар ва б.);

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги тасарруфидаги корхоналар ишчиларини ўқишиш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун четта чикишларини ташкиллаштиради, мониторингини олиб боради ва системали хисоботини юритади, уларнинг чет мамлакатларда малака ошириш натижалари буйича хисоботларини қабул қиласди, малака ошириб келганлар иштирокида семинар-тренингларни ташкил этади, малака ошириш натижасида олинган илғор билимларни тармок корхоналари ва ишчилари орасида кенг ёйиш чораларини куради;

таянч укув пунктларига услубий раҳбарликни амалга оширади, укув дастурларини тузиш ва тасдиқланида ёрдам беради;

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги мутахассислари, корхоналари ва ташкилотларига укув жараёнини ташкил қилишда услубий ёрдам курсатади;

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги ИТК мажлисларини ташкиллаштириш ва утказиш, ИТК аъзоларига хабар берин, баённома юритиш ва ИТК томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ва мониторинги натижалари юзасидан Агентлик раҳбариятига ҳар чоракда маълумот берини ишларини бажаради;

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлигининг алоҳида топшириклари буйича бошқа ишларни ҳам амалга оширади (Коллегия

мажлис қарорлари, Бош директор буйруклари, аппарат йиғидини баённомаси топшириклари ва б.);

белгиланган тартибда ва конунчиликка мос равища матбаачилик фаолиятини амалга оширади;

давлат интерактив хизматларини курсатиш максадида Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги тизимида ахборот ресурсларини яратади (матбуот хизмати, Веб-сайт);

Таъсисчининг тоширигига кўра, Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги фаолиятини юритиш билан боғлик булган хужалик ишларини бажаради, шунингдек Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги маъмурий биносидан фойдаланишини амалга оширади;

конунчиликка мос равища бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

V. МАРКАЗНИНГ МУЛКИ

15. Марказ мулки:

Таъсисчи томонидан марказга оператив бошкарни хукуки билан биритирилган мулк;

марказ фаолиятидан топган даромадлар;

конунчиликка зид булмаган бошка манбазар хисобидан шакллантирилади.

Марказ мулки киймати марказнинг мустақил балансида акс этади.

Марказнинг устав фонди 43 532.3 (кирк уч миллион бешоз утиз икки минг уч юз сум)

16. Марказ директори ва Таъсисчи томонидан қабул килини ва топшириш хужжати имзоланган вактдан бошлаб Марказ давлат мулкини оператив бошкарни хукукига өга булади.

17. Марказ мулки яхлит булиб, хеч ким билан, шунингдек Марказ ишчилари орасида ҳам тақсимланмайди.

18. Марказ мулкини тасарруф этишин куйидаги холларда Марказнинг ижро этувчи органи томонидан Таъсисчи билан келишган холда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириши; мулкини хужалик жамияти устав фондига улуш сифатида қушини; хужалик жамиятларининг акциялари (улунилари) ни сотиб олини; хужалик жамиятларидағи Марказга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкини Марказ фаолияти максадларига мувофик булмаган бошқача тарзда тасарруф этиши.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан курилини туталланмаганларини) сотиш давлат мулк кумитаси томонидан амалга оширилади. (УзР ВМ 31.12.2009 й. 343 – сон Карорига мувофик киритилган)

Бино ва иншоотларни (шу жумладан курилини туталланмаганларини) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олини

манбаларидан кагыйи назар, давлат мулкни хусусий шитиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун хужжатларида белгиланган тартибда Давлат мулк қумитаси томонидан таксимланади. (УзР ВМ 31.12.2009 й. 343 – сон Қарорига мувофиқ киритилган)

VI. МАРКАЗ ДИРЕКТОРИНИНГ МАЖБУРНЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

19. Марказ директори ва директор уринбосарлари Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги Бош директорининг буйруги билан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Марказ директори Марказнинг якка ижро этувчи органи хисобланади ва Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Марказ номидан ишончномасиз фаолият курсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ номидан келишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ҳодимларни ишга кабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини гузади, узартиради ва бекор қиласди, бўйруклар чикаради, қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Марказ ҳодимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳаки микдорлари директор томонидан Таъсисчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Марказ директори ваколатига қўйидагилар киради;

Марказнинг жорий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Устав талаблари ва Таъсисчи карорларининг бажарилишини таъминлаш;

Марказ маъмурий-бошқарув ҳодимлари ургасида мажбуриятларни таксимлаш ва лавозим йурикномаларини тасдиқлаш;

Узбекистон “Узкоммунхизмат” агентлиги марказий аппарати ва Марказнинг маъмурий - хужалик таъминотини ташкиллаштириш;

уз ваколати доирасида Марказ ишчилари томонидан бажарилиши мажбурий булган карорларни кабул қилиш;

Таъсисчи билан келишган ҳолда ташкил этилган Марказ филиали ёки ваколатхоналарининг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг йиллик хисботларини тасдиқлаш;

Таъсисчи билан келишган ҳолда Марказ филиаллари ёки ваколатхоналарининг штатдаги ҳодимларига иш ҳаки тулаш шартларини белтилаш;

Узбекистон Республикаси меҳнат конунчилиги асосида Марказ филиаллари ёки ваколатхоналарининг штат ҳодимларини ишга кабул қиласди ва ишдан озод этади, уларни рағбатлантиради ёки интизомий чора куради, шартнома асосида ҳодимларни ишга кабул қиласди;

ишчи гурухлари ва вактинча ижодий жамоани шакллантиради. Марказ дастур ва лойихаларни ишлаб чикиш учун эксперктарни жало қиласди;

банк ташкилотларида Марказнинг хисоб ракамларини очади, олган кредитларни, Марказнинг мулк ва молиявий маблагларини ушбу низомда белгиланган тартибда тасарруф килади, шунингдек Марказнинг жорий харажатларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан Марказ номидан ишончнома қоғозисиз муносабатда булади, Марказ номидан шартномалар, келишувлар ва бошқа битимларни тузади.

Марказ директори Таъсисчи ваколатига алокадор булган масалалардан ташқари амалдаги конунларда таъкилланмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш хукукига эга.

20. Марказ директори Таъсисчи олдида Марказ уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тугрисида хисобот беради.

21. Марказ директори уз хукукларини амалга ошириша ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кузлаб ҳаракат килиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарга туловларнинг, иш хакининг уз вактида туланиши, меҳнат хукуклари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглашибирлигни туловлардан келиб чиқадиган барча туловларнинг кондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлик булган эҳтиёжлар учун нул маблагларнинг утказилмаганлиги, узининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, Марказга етказилган заарлар учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

VII. МАРКАЗНИНГ ДАРОМАДИ

22. Барча соликлар ва бошқа бюджет ва нобюджет фонdlарига утказиладиган туловлардан колган маблаг Марказнинг соф фойдаси булиб, Марказ ихтиёрида қолади ва бу фойда Таъсисчининг карори буйича сарфланади.

23. Марказ ўз тасарруфида колган соф фондда хисобидан мазкур Уставда назарда тутилган ва микдори Таъсисчи томонидан белгиланадиган захира ва бошқа фонdlарни барпо этиши мумкин.

VIII. МАРКАЗНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

24. Марказ Таъсисчи билан келишув буйича, конун хужжатлари талабларирига риоя килган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Марказ бу тугрида Узбекистон Республикаси Ҷавлат мулки кумитасини (унинг ҳудудий бошқармасини) хабардор килини шарт.

25. Марказнинг филиаллари ва ваколатхоналари Марказ номидан ва Марказ томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият курсади ва Марказ томонидан ажратилган мулкга эга булади.

26. Марказ **филиалы** ва ваколатхонаси раҳбари марказ директори томонидан Таъсисчи билан келишилган холда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият курсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тухтатилган тақдирда ишончнома Марказ директори томонидан бекор килинади.

IX. МАРКАЗНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

27. Марказ Таъсисчининг мажбуриятлари буйича жавобгарликни уз зиммасига олмайди.

28. Марказ узига тегишли мулк мажбуриятлари буйича жавобгарликни уз зиммасига олади.

Марказнинг мулкида етишмовчилик булган холагда, унинг мажбуриятлари буйича Таъсисчи субсидиар тартибда жавоб беради

29. Таъсисчи билан келишув буйича ташкил этилган филиал ва ваколатхона мажбуриятлари буйича жавобгарликни Марказ уз зиммасига олади.

X. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ

30. Марказ хисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий хисоботни ва руйхати конун хужжатларида белгиланган бошка хужжатларни тақдим этади ҳамда хужжатларнинг сакланишини ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сакланига берилиши учун жавоб беради.

31. Марказнинг фаолиятини хужалик юритувчи орган сифатида назорат килиш конун хужжатларида белгиланган тартибда Таъсисчи ва бошка ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

XI. МАРКАЗНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

32. Марказни қайта ташкил қилиш ва тугатиш Таъсисчи томонидан, тегишли равишда Давлат мулки қумитаси ёки унинг худулий бонкармаси билан келишилган холда ёки суд карорига асосан конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Давлат юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига тегишли ёзув киритилгандан сунг Марказ қайта ташкил қилинган ёки тугатиланган хисобланади.